Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 246 (5850).
16 ДЕКАБРЬ ПАЙШАНБА
1976 ЙИЛ
Баҳоси 2 тийин.

## КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВга

Азиз ўртоқ Брежнев!

Эллик ёшга тўлишимни табриклаб, мактуб ёзганингизга атиги бир неча ой бўлди. Бугун мен Сизнинг самимий табригингизга мамнуният билан жавоб қайтараяпман.

Партиямиз ва бутун халқимиз Сизнинг соғлом ва бардам ҳолда 70 ёшга кираётганлигингиздан совет коммунистлари ва бутун совет халқи билан биргаликда ғоят қувонмоқда. Етмиш ёшингизнинг ғоят катта аҳамияти шундан иборатки, Сиз оддий лавозимлардан то ҳозирги дунёнинг энг юксак сиёсий мансабларигача бўлган узоқ ҳаёт йўлини босиб ўтдингиз, ўз умрингизни СССР халқлари ва бутун инсониятнинг олижаноб ва ҳаққоний ишига бағишладингиз.

Сизга капитализмдан социализмга ўтила бошланган алоҳида даврда яшаш насиб бўлди ва Сиз уч нарсага сазовор бўлдингиз — ана шу капитализмдан социализмга ўтиш даврини рўёбга чиқарган халқнинг фарзанди бўлишга, совет халқини буюк ғалабага олиб келган гениал раҳбарнинг шогирди бўлишга сазовор бўлдингиз, айниқса шуниси муҳимки ўз қобилиятингиз ва хизматларингиз туфайли бу қадар улуғ жасорат кўрсатган қаҳрамон партиянинг олий раҳбарлик лавозимига кўтарилдингиз.

Сиз зиммангизга юклатилган улкан масъулиятга ҳамиша муносиб бўлдингиз. Инсоният тарихида энг қийин ва мураккаб даврлардан бирида тинчлик ишига қўшган ғоят катта ҳиссангиз учун келажак авлодлар Сиздан ҳамиша миннатдор бўладилар. Кубалик дўстларингиз Сизга дўст ва Сизнинг ҳурмат-эҳтиромингизга сазовор бўлганликларини ўзлари учун шараф деб ҳисоблайдилар.

Совет Иттифоқидаги биродарларимизнинг ишига, халқаро коммунистик ҳаракат ишига, жаҳондаги барча халқлар ишига аввалгидек узоқ хизмат қилишингиз учун Сизнинг олижаноб ва қимматли ҳаёт йўлингизга хос бўлган навқирон руҳни, ўткир ақл-идрок ва ажойиб инсоний фазилатларни бундан буён ҳам кўп йиллар сақлаб қолишингизни истайман.

Мана шу кунда Сизга меҳр-муҳаббат қўйган ва Сиз билан фахрланадиган халқнинг ғоят самимий табрикларини, унинг Сиз Кубага қилган жамики ишлар учун чуқур миннатдорчилик ҳис-туйғуларини, шунингдек курашдош дўстингиз ва сафдошингизнинг Сизга сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар тилаб билдирган энг яхши истакларини қабул қилгайсиз.

Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

**ФИДЕЛЬ КАСТРО РУС**

# ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВГА МХР МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

МХРП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, МХР Буюк Халқ Хурали Президиумининг Раиси Ю. Цеденбал 14 декабрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневга МХР қаҳрамонининг Олтин Юлдузи ва Сухэ-Батор орденини топширди. Ўртоқ Л. И. Брежнев СССРда коммунизм қурилишидаги, жаҳон социализмини ҳимоя қилиш ҳамда унинг куч ва қудратини кўпайтиришдаги, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги ҳамда жипслигини мустаҳкамлашдаги буюк хизматлари учун, КПСС билан МХРП ўртасидаги, СССР билан МХР ўртасидаги дўстлик, қардошлик ва мустаҳкам ҳар томонлама ҳамкорликнинг бузилмас алоқаларини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашдаги жуда катта роли, халқлар мустаҳкам тинчлиги ва хавфсизлиги учун курашдаги юксак ташаббускор ва самарали фаолияти учун Монголия Халқ Республикасининг ана шу олий мукофотларига сазовор бўлди.

МХР мукофотларини топшириш вақтида Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, Ф. Д. Кулаков А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. У. Черненко, Я. П. Рябов ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Ю. Цеденбал ва Л. И. Брежнев ўртоқлар нутқ сўзладилар.

## Ўртоқ Ю. ЦЕДЕНБАЛ нутқи

Азиз ўртоқ Брежнев!

Ҳурматли ўртоқлар!

Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети, Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали Президиуми ва Министрлар Кенгаши номидан, меҳнаткаш монгол халқи номидан ва шахсан ўз номимдан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, қалин дўстимиз ўртоқ Леонид Ильич Брежневни туғилган кунига 70 йил тўлиши муносабати билан самимий табриклаш ва унга мамлакатимизнинг олий ҳукумат мукофоти — МХР қаҳрамонининг Олтин Юлдузи ва Сухэ-Батор орденини топширишдек юксак шарафга муяссарман.

Замонамизда инсоният ривожининг бош йўлини белгилаб турган социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг порлаб турган ёруғ юлдузлари туркумида ленинизм ва Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг ватани, социализм ва қурилаётган коммунизм ватани — улуғ Совет Иттифоқи марказий ва етакчи ўринда турганлигини шу тантанали пайтда завқ билан таъкидлайман. Коммунистик жамият бинокорлари бўлган совет кишиларининг улкан муваффақиятлари ва меҳнатдаги одимлари, Советлар мамлакати иқтисодий ҳаётининг қудратли жўшқинлиги планетамизнинг ҳамма жойларида тобора равшан сезилиб, жаҳон ривожининг боришига зўр таъсир ўтказмоқда. Бутун инсониятга коммунистик келажакнинг нурафшон йўлини дадил очиб бораётган совет халқининг жаҳоншумул — тарихий зафарлари Ленин партияси ва унинг Марказий Комитетининг қаҳрамонона фаолияти билан, замонамизнинг атоқли сиёсий арбоби, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг номи билан чамбарчас боғланган. Халқлар ва коммунистлар халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги ҳамда жипслигининг мустаҳкамланишини, социализм, тинчлик ва демократия кучларининг позициялари кучайишини ҳақли равишда унинг номи билан боғламоқдалар.

Азиз Леонид Ильич, Сиз халқаро майдондаги изчил ва тинимсиз фаолиятингиз билан, собитқадам ва матонатли курашингиз билан ер юзида стабилликни сақлаш ва тинчликни мустаҳкамлаш ишига, жаҳонда кескинликни юмшатиш ишига бебаҳо ҳисса қўшдингиз ва қўшаяпсиз, эндиликда кескинликни юмшатиш халқаро ҳаётдаги устун тенденция бўлиб қолди. Дунёдаги тараққийпарвар кучлар Сизнинг тинчлик, халқаро хавфсизлик ва қуролсизланиш йўлидаги тинимсиз куч-ғайратингизнинг аҳамиятини чуқур тушуниб турибди. Фашист агрессорларга қарши қонли жангларнинг актив қатнашчиси бўлган Сиз халқларга тинчлик нақадар қимматга тушганлигини ўз кўзингиз билан кўргансиз, қуролли курашнинг ажал келтирувчи замонавий воситаларини ишга солиш инсоният учун тасвирлаб бўлмайдиган нақадар хавф келтиришини равшан тасаввур қиласиз.

Сиз, азиз ўртоқ Брежнев, монгол коммунистлари учун, бутун халқимиз учун ҳамиша улуғ Ленин иши йўлида матонатли курашчи бўлиб келдингиз ва ҳозир ҳам шундай бўлиб турибсиз, қудратли-ғоявий қурол — марксизм-ленинизм туфайли, социализм ва коммунизм қуриш манфаатлари ҳамда мақсадларининг муштараклиги туфайли бирлашган партияларимиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ғоят самимий иттифоқ, дўстлик ва қардошлик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлашнинг изчил жарчиси бўлиб келдингиз ва ҳозир ҳам шундай бўлиб турибсиз.

Монгол меҳнаткашларининг ўз озодлиги ва мустақиллигини курашиб қўлга киритишда ҳамда уни империалистик босқинчиларнинг ҳамлаларидан ҳимоя қилишда ўз қутлуғ қонларини тўкиб ва азиз жонларидан кечиб ёрдам берган совет кишиларининг қаҳрамонона жасорати миннатдор Монголия меҳнаткашлари хотирасида абадий сақланиб қолган. Урушдан аввалги кескин ва таҳликали дамларда, фашистлар дунё халқларига тажовуз қилишга шайланиб турган бир пайтда монгол халқига ёрдамга келган совет жангчилари орасида сиёсий ходим Л. И. Брежнев ҳам бор эди. Ҳурматли Леонид Ильич, совет—монгол дўстлигини ҳар тарафлама ривожлантириш ва мустаҳкамлашда, МХР экономикаси ва маданиятини ривожлантириш, унинг халқи фаровонлигини ошириш ишида кўп томонлама ёрдам беришда Сизнинг хизматларингиз жуда катта.

Социалистик Монголиянинг ҳурматли юбиляримизга бугун топширилаётган мукофоти монгол халқининг ўз содиқ дўсти — қаҳрамон совет халқига, унинг шонли ленинчи партиясига ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, мамлакатимизнинг қалин дўсти ўртоқ Л. И. Брежневга чексиз меҳр-муҳаббати ва миннатдорчилиги ифодасидир.

Азиз ўртоқ Брежнев, МХРП Марказий Комитети, МХР Буюк Халқ Хурали Президиуми ва Министрлар Кенгаши номидан, бутун монгол халқи номидан Сизга МХР қаҳрамони унвони берилганлиги муносабати билан сизни самимий ва қизғин табриклашга, Сизга узоқ йиллар сиҳат-саломатлик, тараққийпарвар инсониятнинг тинчлиги ва бахт-саодати йўлида, социализм ва коммунизм тантанаси йўлида бундан-буён ҳам самарали ишлашингизни тилашга ижозат бергайсиз.

## Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқ Цеденбал!

Азиз дўстлар!

Юксак мукофот учун Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросига ва Буюк Халқ Хурали Президиумига чин кўнгилдан ташаккур айтаман. Бу—Осиёдаги мард, илғор мамлакат Монголия Халқ Республикасининг қаҳрамони унвонига сазовор бўлиш чиндан ҳам катта шарафдир. Бу мамлакатнинг халқи социализм қуриш йўлига ўтганига ярим асрдан кўпроқ вақт бўлди, биз бу мамлакат билан ярим асрдан ортиқ вақтдан бери жангларда ва меҳнатда қардошлар, сафдошлар, маслакдошлар бўлиб, қўлни-қўлга бериб, бирга боряпмиз.

Мен қаҳрамонлик Олтин Юлдузи ва Сухэ-Батор орденини давлатларимиз, партияларимиз ва халқларимиз бузилмас дўстлигининг рамзи деб қабул қиламан. Мен бу мукофотга неча минглаб совет кишилари ҳақли равишда шерик эканликларини англаган ҳолда уни қабул қиламан.

Булар — қардош монгол халқининг озодлиги ва мустақиллиги учун бўлган жангларда ўз қони ва жонини ҳам аямаган кишилардир.

Булар — ўзларининг интернационал бурчини бажо келтириб, ҳозир Дархан ва Эрдэнэт қурилишларида монгол ўртоқлар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилган ва меҳнат қилаётган, Монголия диёрида социализмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда ўз билими ва тажрибаси билан ёрдам бераётган совет ишчилари, инженерлари, техниклари, турли соҳа мутахассисларидир.

Бу мукофотни Монголия Халқ Революцион партияси билан биргаликда бузилмас совет—монгол дўстлигининг ижодкори ва илҳомчиси бўлган улуғ Ленин партиясига берилган мукофот деб биламан.

Мамлакатларимизнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги йил сайин тобора чуқурлашиб, мазмунан тобора бойиб бораётганлигини ҳис этиш қувончлидир. Ўртоқ Цеденбал, Сизнинг бошчилигингиздаги Монголия партия-ҳукумат делегациясининг яқинда Совет Иттифоқига қилган визити вақтида биз биргаликда қабул қилган қарорлар ҳамкорлигимизнинг, партияларимиз, мамлакатларимиз ва халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришнинг янги босқичини очади. Бу — биз Улан-Баторда ўн йилдан кўпроқ вақт муқаддам имзолаган дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартноманинг ҳарфи ва руҳини амалда яхши рўёбга чиқаришнинг ўзидир!

Монголия Халқ Республикасининг қаҳрамони унвони зиммамга катта масъулият юклайди. Азиз ўртоқ Цеденбал, мамлакатимиз коммунистлари ва барча меҳнаткашлари совет—монгол дўстлиги ишига бундан буён ҳам содиқ бўлиб қоладилар, деб Сизни ишонтирмоқчиман. Биз Совет Иттифоқи билан Халқ Монголияси ўртасидаги мустаҳкам алоқаларни янада ривожлантириш учун, социализм ва тинчлик кучларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ҳамда жипслаштириш учун, барҳаёт марксизм-ленинизм ғояларининг тантанаси йўлида ҳамма ишларни қилаверамиз.

Мен бўлсам, шу улуғ мақсадларга эришиш йўлида куч-қувватимни аямайман, бунга монгол дўстларнинг ишончи комил бўлаверсин.

**(Ўртоқ Ю. Цеденбал ва ўртоқ Л. И. Брежнев нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан кутиб олинди).**

* * *

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари Леонид Ильич Брежневни юксак мукофотлар топширилганлиги билан астойдил табриклаб, унинг бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш йўлида, инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунизм йўлида бундан буён ҳам самарали ишлашини тиладилар.

(ТАСС).

# ВЬЕТНАМ МЕҲНАТКАШЛАР ПАРТИЯСИНИНГ IV СЪЕЗДИГА

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети кўп миллионли коммунистлар отряди ва бутун совет халқи номидан шонли Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг IV съезди делегатларига ва улар орқали Вьетнам Социалистик Республикасининг коммунистларига, барча меҳнатчиларига қардошлик саломи йўллайди.

Сизларнинг съездингиз қаҳрамон Вьетнам ҳаётидаги тарихий маррада ўтмоқда. Вьетнам ватанпарварларининг озодлик, мустақиллик, тинчлик ва ватанни қайта бирлаштириш йўлидаги кўп йиллик фидокорона кураши ғолибона тугалланди. Социалистик мамлакатлар, бутун дунё тараққийпарвар жамоатчилигининг қизғин хайрихоҳлиги ва мададкорлигидан доимо баҳраманд бўлиб келаётган Вьетнам халқи матонат ва жасорат, ғалабага букилмас ирода намунасини кўрсатиб, империалист агрессорларни ва уларнинг малайларини мағлубиятга учратди, шимолда социализм ғалабаларини ҳимоя қилди ва мустаҳкамлади, жанубда миллий-демократик революцияни амалга ошириб, ягона Вьетнам Социалистик Республикасини барпо этди.

Халқнинг асрий орзу-умидлари, биринчи Вьетнам коммунисти атоқли революционер Хо Ши Миннинг васиятлари рўёбга чиқарилди. Вьетнам Меҳнаткашлар партияси босиб ўтилган йўлнинг якунлари билан ҳақли равишда фахрлана олади. Коммунистлар Вьетнам халқининг бахт-саодати ва озодлиги учун курашчиларнинг ҳамиша биринчи сафида бориб, мардлик ва меҳнаткашлар манфаатларига садоқат билан хизмат қилиш намунасини кўрсатдилар. Партиянинг марксизм-ленинизм таълимотини Вьетнамнинг конкрет шароитларида ижодий қўлланишга асосланган изчил сиёсати халқ эришган буюк ғалабаларнинг ҳал қилувчи омили бўлди. Коммунистларнинг, вьетнамлик барча ватанпарварларнинг жасорати инсониятнинг озодлик кураши йилномасига энг ёрқин саҳифалардан бири бўлиб абадий ёзилиб қолди, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм кучлари позицияларини мустаҳкамлашга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Совет коммунистлари, Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашлари фидокорлик билан тўлиб тошган қийин курашда ва янги жамият қурилишида доимо Вьетнам тарафида туриб, қардош партия ва халқнинг ажойиб ютуқларини қизғин табриклайдилар.

Эндиликда Вьетнам халқи тинч қурилишнинг кенг ва ёруғ йўлига чиқиб олди. Меҳнаткашлар партиясининг IV съезди қабул қиладиган муҳим қарорлар мамлакатни социалистик ривожлантириш программаси бўлиб қолади. Вьетнам Социалистик Республикасининг қаҳрамон ишчилар синфи, деҳқонлари, меҳнаткаш зиёлилари ўзининг марксчи-ленинчи авангарди теварагида маҳкам жипслашиб, қардош социалистик мамлакатларнинг халқлари билан бир сафда бориб, партия IV съезди қарорларини бажарадилар, Вьетнам диёрида социализмнинг моддий-техника базасини барпо этишда янгидан-янги муваффақиятларга эришадилар, ўз Ватани шуҳратини оширадилар.

Азиз дўстлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ўртасидаги алоқалар муттасил мустаҳкамланиб бораётганлигини мамнуният билан қайд этамиз. Марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принциплари, мамлакатларимиз коммунистларининг синфий мақсадлари ва муддаолари муштараклиги шу алоқаларга негиз қилиб олинган. КПСС СССР билан ВСР ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун бундан буён ҳам ҳамма ишни қилишга азми қарор берган. Империалист агрессорларга қарши кураш йилларида бўлгани каби Вьетнам халқи социализм қурилишида ҳам КПССнинг, Совет Иттифоқининг кўмаги ва мададига қаттиқ умид боғлай бериши мумкин.

Жаҳон революцион кучларининг жанговар отряди бўлган Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ўз фаолиятида чексиз ватанпарварлик билан изчил пролетар интернационализмини узвий равишда қўшиб олиб бормоқда. Революциянинг янги босқичида ҳам вьетнамлик коммунистлар жаҳон коммунистик ҳаракати жипслигини, империализмга қарши барча курашчиларнинг бирлигини мустаҳкамлашга, тинчлик, халқаро хавфсизлик, демократия ва социализм учун курашга муносиб ҳисса қўша берадилар, деб ишонч билдирамиз.

Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг IV съездига тўла муваффақият тилаймиз!

Яшасин қаҳрамон Вьетнам халқининг жанговар марксчи-ленинчи авангарди — ВМП!

Жануби-Шарқий Осиёда социализмнинг мустаҳкам қўрғони — Вьетнам Социалистик Республикаси мустаҳкамланиб, гуллаб-яшнайверсин!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг жанговар бирдамлиги, Совет ва Вьетнам халқларининг бузилмас дўстлиги абадий яшайверсин!

Яшасин коммунизм!

**СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.**

## Л. И. БРЕЖНЕВ Р. КАСТРОНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев дўстона визит билан Москвага келган Куба Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Кастрони 15 декабрь куни Кремлда қабул қилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев билан ўртоқ Р. Кастро ўртасида бўлиб ўтган суҳбат чоғида КПСС XXV съезди ва Куба Компартияси I съезди қарорлари асосида Совет-Куба ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўртоқ Р. Кастро ўртоқ Л. И. Брежневга ўртоқ Фидель Кастронинг мактубини топширди, бу мактуб матбуотда эълон қилинмоқда.

Суҳбат ғоят самимий, қардошлик вазиятида ўтди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитетининг секретари К. У. Черненко ва Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Кенгаши раисининг ўринбосари К. Р. Родригес ҳозир бўлдилар.

Шу куни КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Куба Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Р. Кастро шарафига зиёфат берди.

(ТАСС).

# ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВГА КУБАНИНГ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

Куба Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Р. Кастро 15 декабрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга «Плайя-Хирон» орденини топширди. Ўртоқ Л. И. Брежнев халқаро фашизмни тор-мор қилишга олиб келган Улуғ Ватан урушидаги актив иштироки учун, социализм қурилишидаги ижодий фаолияти учун, унинг номини қаҳрамон коммунист курашчининг ҳақиқий тимсолига айлантирган буюк шахсий фазилатлари ва курашдаги фидокорлиги учун, империализмга қарши ҳамда халқларни эзиш ва эксплуатация қилишнинг бошқа формаларига қарши кураш байроғини марксизм-ленинизм принципларига бениҳоя садоқат билан баланд кўтариб бораётганлиги учун, бутун инсониятнинг фароғати ва бахт-саодати йўлида тинчлик, тараққиёт ва социализм ишига бебаҳо ҳисса қўшаётганлиги учун Куба Республикасининг шу юксак мукофоти билан тақдирланди.

Куба мукофотини топшириш вақтида:

Совет томонидан— Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. У. Черненко, Я. П. Рябов ўртоқлар;

Куба томонидан — Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Кенгаши раисининг ўринбосари К. Р. Родригес, Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Куба Республикаси давлат кенгашининг аъзоси, В. Эспин, Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Куба Республикасининг СССРдаги элчиси С. Агирре Дель Кристо ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Р. Кастро ва Л. И. Брежнев ўртоқлар нутқ сўзладилар.

## Ўртоқ Р. КАСТРО нутқи

Азиз ва муҳтарам ўртоқ Леонид Ильич Брежнев!

70 йиллигингиз муносабати билан Сизга Куба Республикаси Давлат Кенгаши номидан «Плайя-Хирон» миллий орденини топшириш мен учун ғоят катта шарафдир.

Куба революцион ҳукумати Латин Америкасида биринчи марта империализм кучларини мағлубиятга учратган олишувда жанг қилган ва ўз жонларини берган кишилар шарафига 1961 йилда таъсис этган бу орден билан империализмга ва мустамлакачиликка қарши курашда алоҳида ўрнак кўрсатган ёки инсоният тинчлиги ва тараққиёти йўлида жуда катта жасоратлар қилган кубаликлар ва чет элликлар мукофотланадилар.

Ўртоқ Брежнев, Сиз бу орденга ҳаммадан кўра ҳам ортиқроқ муносибсиз: Сизнинг коммунист раҳбар ва давлат арбобига хос беқиёс сиймонгизда айни вақтда империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши атоқли курашчи бўлиш хизматларингиз Сизнинг тинчлик сиёсати ижодкори ва ижрочиси бўлишдек тарихий ролингиз билан қўшилиб кетган. Лениннинг тинч-тотув яшаш тўғрисидаги таълимотига мувофиқ совет давлати КПСС XXIV ва XXV съездлари қарорларини бажариш йўлида шу тинчлик сиёсатини халқаро майдонда ўтказиб келмоқда. Сиз, бу съездлар қарорларининг энг бевосита илҳомчиси бўлдингиз.

Куба Республикасининг давлат кенгаши Сизга шу орденни бериш боисини баён этиб, Сиздаги қаҳрамон курашчи коммунистга хос юксак фазилатларни: ёшлик чоғингиздан бошлаб Маркс, Энгельс ва Ленин ишига қўшилганлигингизни, Улуғ Ватан урушида ҳарбий бошлиқ сифатида актив қатнашганингиз ҳамда Совет Иттифоқи шу уруш давомида халқаро фашизмни тўхтатиб ва тор-мор этиб, дунёни омон сақлаб қолганлигини, социализм қурилишидаги жуда катта бунёдкорлик меҳнатингизни ва Сизнинг бутун кураш фаолиятингизда намоён бўлаётган буюк шахсий фазилатларингизни кўрсатиб ўтди.

Совет Иттифоқининг дўстлари, Ер куррасининг ҳамма жойларидаги коммунистлар, миллион-миллион эркаклар ва аёллар, шу жумладан, ҳатто бизнинг идеалларимизга қўшилмайдиган кишилар ҳам СССРнинг ҳозирги ҳаётдаги ролини, халқларни ҳимоя қилишда унинг сиёсати ва принципиал позицияларининг ҳал қилувчи аҳамиятини тушунмоқдалар ва қадрламоқдалар, ўз мамлакатларининг миллий мустақиллиги ва демократик ривожланиши учун курашаётган ҳамма кишилар, ўртоқ Брежнев, Сизни ўз хизматларингиз туфайли Ленин партияси энг юқори раҳбарлик лавозимини эгаллаш шарафига муяссар қилган тарихий шахс деб билмоқдалар.

Ўртоқ Брежнев! Биз учун асло унутилмайдиган шу бахтли кунда айтмоқчимизки, Сизнинг дўстлигимиз ва ватанимиз тақдири тўғрисидаги ғамхўрлигингизни миннатдорлик билан баҳолаш учун Куба халқининг кўпгина асослари бор. Биз, кубаликлар учун, Сизнинг Куба проблемаларини тушунишингиз, халқимизнинг миллий мудофаани таъминлашдаги ва хўжалик қурилиши қийинчиликларини бартараф этишдаги бирдамлигингиз доимий илҳом манбаидир. Сизнинг мамлакатимизга 1974 йилда қилган тарихий визитингиз, Сизнинг меҳнаткашларимиз билан учрашувларда изҳор этган дўстона туйғуларингизни ҳеч биримиз унутмаймиз. Ҳурматли Леонид Ильич, Кубанинг Улуғ совет халқига ва унинг раҳбарларига миннатдорчилигида Сизнинг олижаноб сиймоингиз ҳамиша сақланиб қолади.

Мамлактимиз давлат кенгаши ва шахсан унинг раиси ўртоқ Фидель Кастронинг фахрли топшириғини бажариб, делегациямиз номидан ва шахсан ўз номимдан Сизга Куба халқининг саломи билан бирга шахсий бахт-саодат ҳамда социализм ва коммунизм, миллий мустақиллик ва тинчлик ишига хизмат қилишда янгидан-янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

## Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз Рауль Кастро ва Карлос Рафаэль Родригес ўртоқлар!

Азиз дўстлар!

Мен Куба Республикасининг фахрий мукофотини қабул қилар эканман, уни аввало партияларимиз ва халқларимизни бирлаштириб турган революцион бирдамлик алоқаларининг, мусаффо қардошларча дўстликнинг ифодаси деб биламан. Шу туйғулар билан мен Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Куба Республикасининг давлат кенгаши ва ҳукуматига чуқур миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Айтиш мумкинки, онгли ёшдаги бирон совет кишиси, ҳеч бўлмаганда ўн олти миллион совет коммунистларидан бирон киши ҳам революцион Куба тақдирига бефарқ деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Бизнинг мамлакатимизда Кубани озодлик, мустақиллик учун, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари учун курашдаги чексиз қаҳрамонлик тимсоли деб, ғарбий ярим шарда балқиб чиққан янги, социалистик турмуш байроғи деб билиб севадилар ва ғоят ҳурмат қиладилар.

Сизларнинг гўзал мамлакатингизда бўлиш, унинг куч-ғайратга, ҳаёт қувончи ва революцион шижоатга тўла ажойиб халқини кўриш бахтига муяссар бўлган кишилар эса, Кубани ҳеч қачон унутмайдилар, албатта. Мен ана шундай бахтиёр кишилар жумласига кираман. 1974 йил бошларида Кубага қилинган визит менинг хотирамда ёрқин, унутилмас воқеа бўлиб, бир умрга сақланиб қолган.

Куба революциясининг тарихи — эрксевар Куба халқини яна тиз чўктиришни орзу қилаётган империализм ва унинг гумашталари ҳуружларига ҳамда қўпорувчилик ҳаракатига қарши тинимсиз давом этаётган доимий кураш тарихидир. Ҳозиргина менга топширилган «Плайя-Хирон» ордени шу курашнинг энг фожиали пайтларидан бирини эслатади. Ўз Коммунистик партияси теварагида жипслашган Куба халқи реакция кучларининг бостириб киришини даф қилди, уларни тор-мор этди, ўз революцион ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб қолди.

Эндиликда республикангизнинг мавқеи ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкам. У дунёда муносиб обрў-эътибор қозонди ва эътироф этилди. Бу йил Куба ҳаётида жуда катта аҳамиятга молик воқеалар кўп бўлди. Куба Компартияси биринчи съездининг тарихий қарорлари муттасил амалга оширилмоқда. Янги конституцияга мувофиқ халқ хокимиятининг ваколатли органлари сайланди. Республика миллий ассамблеясининг биринчи сессияси ўтказилди. Куба революциясининг синалган йўлбошчиси, жаҳон коммунистик ва озодлик ҳаракатининг атоқли арбоби, қадрдон дўстимиз ўртоқ Фидель Кастро шу сессияда республика давлат кенгашининг раиси қилиб сайланганлиги қонуниятли бир ҳол бўлди, албатта.

Шундай қилиб, Куба меҳнаткашларининг ўз давлати ишларидаги актив иштироки тобора аниқ ва конкрет формалар касб этмоқда. Кубадаги ёш социалистик давлат, бир томондан, ўзига кубалик ватанпарварлар кўпгина авлодларнинг демократия ва тараққиёт йўлидаги бой кураш тажрибасини сингдириб олганлиги, иккинчи томондан — социализм қардош мамлакатлари давлат қурилиши соҳасида орттирган тажрибани ҳам ўзида акс эттирганлиги жуда муҳимдир.

Ўртоқлар, совет кишилари Кубанинг ўз озодлиги йўлидаги, социализм йўлидаги курашида доимо кубалик қардошлар билан ҳамдам бўлганликларини англаш қувончлидир. Ҳозир бизнинг хилма-хил соҳалардаги ҳамкорлигимиз жуда кенг тус олди. Бундан иккала мамлакат манфаат кўрмоқда, халқлар тинчлиги ва озодлиги иши манфаат кўрмоқда.

Сизларни ишонтириб айтмоқчиманки, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, совет халқи — улар билан бирга Леонид Ильич Брежнев ҳам Октябрь ватани билан Озодлик ороли ўртасидаги бузилмас дўстликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун бундан буён ҳам баҳоли қудрат ҳамма ишларни қилаверадилар, албатта!

**(Ўртоқ Р. Кастро билан ўртоқ Л. И. Брежнев нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди).**

* * *

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари Леонид Ильич Брежневни Куба Республикасининг олий мукофоти топширилганлиги билан самимий табрикладилар ҳамда КПССнинг ленинча сиёсатини амалга оширишда, тинчлик ва коммунизм ишининг тантанаси йўлида унинг бундан буён ҳам самарали ишлашини тиладилар. (ТАСС).

